

**МАРКАЗИЙ ФАРГОНАНИНГ СУГОРИЛАДИГАН ЎТЛОҚИ САЗ  
ТУПРОҚЛАРИ ШАРОИТИДА САБЗИ ЕТИШТИРИШДА ЯНГИ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ САМАРАДОРЛИГИ**

У.Б.Мирзаев., б.ф.н., доцент

Б.Н.Умарқұлова., ассисент

М.И.Қулдашева., ассисент

*<https://doi.org/10.5281/zenodo.6653394>*

**Аннотация.** Мақолада Марказий Фарғона чўл минтақасининг шўрланишига мойил ўтлоқи саз тупроқлар хосса-хусусиятлари ва унумдорлиги масалалари ёритиб берилган. Шунингдек, мазкур тупроқ шароитларида сугории ва культивациялаши билан боғлиқ жараёнларни таққослаши асосида сабзидан гектаридан 3 ү юқори ҳосил олиши имкониятини берувчи янги агротехнология асосланиб, унинг можияти таҳлил этилган.

**Калим сўзлар:** ўтлоқи тупроқ, шўрланиши, тажриба, арзиқ, сабзи, технология, озиқ элементлар, ҳосилдорлик, варианtlар.

**НОВЫЕ АГРОТЕХНОЛОГИИ ПРИ ВОЗДЕЛЫВАНИИ МОРКОВИ В  
УСЛОВИЯХ ОРОШАЕМЫХ ЛУГОВЫХ САЗОВЫХ ПОЧВ ЦЕНТРАЛЬНОЙ  
ФЕРГАНЫ**

**Аннотация.** В статье описаны свойства, особенности и плодородие луговых сазовых почв пустынной зоны Центральной Ферганы. Также, на основе сравнения процессов, связанных с орошением и возделыванием в данных почвенных условиях, разработана новая агротехнология, позволяющая получать урожайность моркови выше 3 ц/га.

**Ключевые слова:** луговые сазовые, засоление, опыт, арзық, марков, питательные элементы, урожайность, варианты.

**EFFICIENCY OF NEW AGRICULTURAL TECHNOLOGIES IN THE  
CULTIVATION OF CARROTS IN THE CONDITIONS OF IRRIGATED MEADOW  
SAZ SOILS OF CENTRAL FERGANA**

**Abstract.** The article describes the properties, features and fertility of meadow saz soils of the desert zone of Central Fergana. Also, based on a comparison of the processes associated with irrigation and cultivation in these soil conditions, a new agricultural technology has been developed that makes it possible to obtain carrot yields above 3 c/ga.

**Key words:** meadow carp, salinity, experience, arzyk, stamps, nutritional elements, yield, options.

### КИРИШ

Фарғона вилоятида ўтлоқи тупроқлар катта майдонни эгаллаб, улар чўл минтақасининг асосий қисмини эгаллайди. Ҳудуддаги ўтлоқи тупроқлар сизот сувлари асосан турғун, саз режимида бўлганлиги учун шўрланишига мойиллиги юқори, шу туфайли сабзовот экинлари ҳосилдорлиги ҳам нисбатан паст даражада бўлиб, бундай тупроқ шароитлари учун янги технологияларини ишлаб чиқиш, жорий этиш ва қўллаш этиширилаётган ҳосил салмоғини оширишда муҳим амалий аҳамият қасб этади.

Ушбу тупроқларнинг шаклланиши, келиб чиқиши, ривожланш қонуниятлари ва хосса ва хусусиятларини ишлаб чиқариш қобилятини оширишга доир тадбирлар

системасини ишлаб чиқиши мақсадида турли йилларда А.Максадов [7], В.Ю.Исақов [5.,6] Ф.Юлдашев [12], У.Б.Мирзаев, [5, 9], Д.М.Холдаров [13.], А.Т.Турдалиев [11.,12], Б.Н.Умарқұлова [9] ва бошқа тадқиқотчилар томонидан үрганилган.

Сабзовот экинлариинг ҳосилдорлиги асосида тупроқ шароитлари мұхим омил бўлсада, лекин, экин навларининг хусусиятларига боғлиқ жиҳатларини ҳам очиб бериш мұхим ҳисобланади.

Умуман, сабзовотчилик борасида тадқиқотлар олиб бориш, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва қайта ишлаш борасида кўплаб тадқиқотчилар фаолият кўрсатган. Бу борадаги асосий маълумотлар Азимов Б.Ж [1], Бўриев С.Х [3.,4], Абдуллаев А.Г. [4], Остонақұлов Т.Э. [10], Балашев Н.Н., Земан Г.О. [2 ] ишларида акс эттирилган.

Юқоридаги тадқиқотчилар ўз ишлари кенг қамровли тарзда, сабзовот экинларининг умумий тавсифи, тур, нав хиллари, уларни биологик хусусиятлари, экиш билан боғлиқ масалалар, парваришлиш агротехнологиялари, уларга мувофиқ келувчи тупроқ шароитлари, касаллик ва зааркунанда ҳамда бегона ўтларга қарши кураш, алмашлаб экиш тизимидағи роли ҳамда сақлаш технологиялари ҳақида маълумот бериб ўтганлар.

Лекин, муайян тупроқ-иклим ҳудудларида, айниқса салмоғи юқори бўлган ўтлоқи саз тупроқларда уларнинг ўсимлик-тупроқ орасидаги боғлиқлиги даражалари қандай бўлиши, қўлланилаётган агротехнологиялар, хусусан, суғориш билан технологиялар таъсири ҳали етарлича үрганилмаган масалалар қаторида турибди.

### **ТАДҚИҚОТ УСУЛЛАРИ ВА ТАЖРИБА СХЕМАСИ**

Тадқиқот ҳудудимиз тупроқлари Ўзбекистон тупроқлари учун (1975 й) ишлаб чиқилган таснифга мувофиқ суғориладиган чуқурлашган арзиқли ўтлоқи саз тупроқлар жумласига киради. Қуйидаги вазифалар бажарилди.

1. Тадқиқот ҳудуди тупроқлари хоссаларини үрганиш.
2. Тадқиқот ҳудудида такрорий экин сифатида экилаётган сабзи етиштириш технологияларини үрганиш ва таҳлил қилиш.

Максадга эришиш учун худуддаги фермер хўжаликларидағи сабзи экишга мўлжалланган экин майдонлари кузатув майдончалар сифатида танлаб олинди. Тупроқ таҳлиллари учун намуналар олиниб, таҳлиллар Е.В.Аринушкина (1970) томонидан ишлаб чиқилган, агрокимёвий таҳлиллар эса ЎзПИТИ томонидан ишлаб чиқилган (1963, 1977) умумқабул қилинган усуллар асосида бажарилди.

Тажрибалар такрорий экин сифатида экилаётган сабзининг “Мирзои сарик” (зарча) навини етиштириш бўйича Тошлоқ тумани фермер хўжалиги далаларида ўтказилди. Кузатув тажрибалари 2 тупроқ айирмасида, ҳар бир айирма бўйича 1 вариантдан иборат, вариантнинг қайтариқлари 4 каррали. Тажриба майдони 0,8 гектарни ташкил этади, ҳимоя полосалари билан 1 га этади.

Сабзининг ўсимлигининг кўчат қалинлиги ҳисоби яганалашдан кейин ва вегетация охирида делянкаларнинг ҳисоб майдонидаги ўсимликлар миқдорини санаш усули билан олинди. Сабзи ҳосилининг ўртача массасини аниқлаш учун ҳосил йиғиширилиши олдидан, танланган нуқталардан сабзи мевалари кавлаб олинди ва уларнинг ўртача массаси аниқланди. Бу иш тажрибанинг барча варианtlари ва қайтариқларида бажарилди.

### **ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ**

Кузатув майдонининг тупроқлари воҳа тупроқлари тоифасига мансуб, аммо улар тадрижий тараққиётнинг бошланғич босқичида турибдилар. Майдон ўзлаштирилганига тахминан 40-50 йил бўлган.

Кузатув майдончамиздаги ўтлоқи саз тупроқлар кесма тузилиши ва морфологияси ўзига хос бўлиб, уларнинг тупроқ-грунт кесмасида геокимёвий моддаларнинг, уларнинг миграцияси ва аккумуляцияси қонунига мос бўлган аниқ табақаланиши кузатилади. Арзиқли тупроқлар тупроқ-грунт кесмасининг қуий қисмида кальций ва магний карбонатлари, юқори қисмида эса гипс ва сувда осон эрувчан тузлар тўпланган. Бу бирикмаларнинг кўп миқдорда тўпланиши специфик мос қатламларни–шохли, арзиқли, гипсли ва шўрхокли қатламларни шакллантирган ва шу муносабат билан арзиқли тупроқларнинг тупроқ кесмаси уч қаватли ёки уч ярусли тузилишга эга. Кесманинг энг устки қавати арзиқ усти ёки чин тупроқ қатлами номи билан юритилади. Бу тупроқ саёз ва чуқур арзиқли тупроқ туркумларида майда жинсли тупроқ массасидан таркиб топган бўлиб, унда 10% гача гипс бўлиши мумкин. Юза арзиқли тупроқ туркумлари эса 20-30% ва ундан ҳам кўпроқ миқдорда гипс бўлган гипсли қатламдан иборат. Қатламда сувда осон эрувчан тузлар ҳам бўлиб, шўрланиш даражаси кучсиздан кучли даражагача ўзгариши мумкин.

Бизнинг кузатув майдончамиз тупроқларида ушбу қатламлар тупроқ кесмасида 1 метрдан пастда жойлашган, шунинг учун уларда шўрланишнинг юқори даражалари кузатилмайди. Тупроқлар сувли сўримдаги куруқ қолдиқ миқдорига кўра юқориги қатламларда шўрланиш деярли кузатилмайди (0,2-0,4%) қуий қатламларда эса кучсиз ва ўрта даражадаги шўрланиш мавжуд (0,4-1,1%). Минераллашган сизот сувлари сатҳи 1-1,5 м атрофида.

Тадқиқотларимиз натижаларига кўра тупроқлар ўзига хос агрокимёвий хоссаларга эга. Тупроқлар кесмасида озиқа моддалар миқдори кесма бўйлаб, юқоридан пастга томон аста секинлик билан камайиб бориш тартибида тақсимланган. Уларда ўсимликнинг озиқланиш майдони чуқур ва улар қуий қатламлардан ҳам озуқа элеметаларини ўзлаштира оладилар. Кесма бўйлаб гумус миқдори 1,4-0,6% атрофида, умумий азот 0,06-0,12% атрофида. Озиқа элементларининг ҳаракатчан шакллари билан ўрта даражада таъминланган (1-жадвал).

#### Кузатув майдони тупроқларида озиқа моддалар миқдори

Кесма №	Чуқурлик, см	Гумус, %	Ялпи шакллари,%			Ҳаракатчан шакллари, мг/кг		
			N	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	K <sub>2</sub> O	NO <sub>3</sub>	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	K <sub>2</sub> O
1	0-30	1,33	0,12	0,11	1,72	27,0	31,0	144,0
	30-67	0,94	0,09	0,09	1,21	19,0	17,0	112,0
	67-96	0,36	0,05	0,07	0,84	-	-	-
2	0-32	1,24	0,12	0,13	1,64	23,0	32,0	162,0
	32-48	0,84	0,08	0,14	1,11	16,0	7,0	98,0
	48-76	0,18	0,03	0,08	0,98	-	-	-

Кузатув майдончаларимизда сабзи экини лента шаклда, ҳар бир эгат пуштасида 20Х15 см схемада, пушта кенглиги 80 см, қаторлар оралиғи 50 см қилиб әкилди. Кузатувларимиз иккі вариантда, яғни қатор ораларига ишлов бериш ва ишлов бермасдан сабзи етиштириш технологиясини ўрганиш асосида олиб борилди. Сабзи етиштириш қуидаги агротехника асосида амалга оширилди (2-жадвал)

#### **Тажриба майдонида амалга ошириш дала ишларининг муддатлари**

т/р	Бажариладиган дала ишлари номи	Ишларни бажаариш муддатлари				
		1	2	3	4	5
1.	Шудгор одидан $P_2O_5$ , $K_2O$ ўғитлари солиши			10.07.		
2.	Шудгор			11-15.07.		
3.	Жорий ер текислаш			13-20. 07.		
4.	Эрни экишга тайёрлаш, эгат олиш			15-21.07.		
5	Уруғ экиш			22-25.07.		
6	Суғориш 1-вариант	26.07.	31.07.	10.08.	-	20.09
	Суғориш 2-вариант	26.07.	31.07.	10.08.	30.08.	20.09.
7	Суғориш меёrlари, м3/га	1200	1000	900	850	700
8.	Минерал ўғитларни солиши	10.08.				20.09.
9.	Культивация (1-вариант учун)				20.08.	
10.	Ягана				18.08.	
11	Бегона ўтларга қарши кимёвий препаратлар ёрдамида ишлов бериш				10.08.	
11.	Үток	18.08.				05.09.
15.	Хосилни йиғишириб олиш				05.11.	

Яганалаш давридан кейин күчат қалинлиги ҳар бир кузатув майдонида гектарига 210000 тадан бўлди. Суғориш меёrlари жадвалда кўрсатилганидек, 1-вариантда 3800, иккинчи вариантда эса 4750 м<sup>3</sup>/га бўлди. Минерал ўғитлар қуидаги меъёр ва муддатларда солинди (3-жадвал).

Минерал ўғитлар	Йиллик меёри, кг/га	Шудгордан олдин, кг/га	3-суғориш олдидан, кг/га	Тегишлича 5 ва 4 -суғориш олдидан, кг/га
N	250	-	100	150
$P_2O_5$	170	50	70	50
$K_2O$	100	20	40	40

#### **МУҲОКАМА**

Маълумки экинлар хосилдорлиги уларга қанчалик кўп ишлов бериш, ўғит солиши ва сугоришлар сони ва меёrlарига эмас, балки уларнинг қандай тартибда берилиши, меёrlари ва муддатлари каби омилларга боғлиқ бўлади.

Кузатувларимиздан мақсадидан келиб чиқиб, сабзи экинига минерал ўғитларининг йиллик меёр ва муддатларини таъсирини эмас, балки уларни етиштириш

агротехнологияси, яъни сугориш сони, муддати ва меъёрлари ҳамда қатор ораларига ишлов беришнинг таъсирини ўрганишдан иборат бўлганлиги учун айни вариантлар бўйича олинган ҳосил миқдори таққосланди.

Ҳосил йиғиш олдидан якуний таҳлилларимиздан қўйидагилар аниқланди(4-жадвал).

Вариантлар	Кўчат қалинлиги, га ҳисобида	Сабзи мевасининг ўртача массаси, гр	Ҳосилдорлик т/га	
			Ўртacha ҳисобланган	Амалда олинган
1	210000	135	28,3	27,7
2	210000	120	25,2	24,0

Натижаларга кўра ҳам юқори ҳосилдорлик 1-вариантда кузатилиб, иккинчи вариантга нисбатан 3,7 т/га юқори ҳосилдорликка эришилган. Назарий ҳисоблангандан четта чиқиш ҳолати ҳосил йиғиб-териб олиш жараёнида уларнинг яроқсиз ва истемол учун яроқсиз бўлганлари ажратиб ташланишида бўлиб, бундай сабзовотлар одатда майдоннинг ўзида қолдирилиб кетилади. Бу ҳолатга кўра ҳам биринчи вариантда ҳосил йўқотилиши камлиги қўзга ташланади.

### ХУЛОСА

Шундай қилиб, кузатув майдончаларимиздаги сабзи ҳосилдорлиги натижалари тупроқлар экомелиоратив ҳолатига боғлиқ ҳолда қатор ораларига ишлов бериш ҳамда сугориш сони ва меъёрларини тўғри тақсимлаш сабзи ҳосилдорлигини ортишига олиб келишини кўрсатади.

Сугориш сони ва меъёрларини 2-вариантдагиси одатда меёрий кўрсаткичлар ҳисобланади. Лекин, тупроқларимиз сизот сувлари нисбатан турғун ва нисбатан саёз жойлашган ўтлоқи тупроқлар бўлиб, одатда йилнинг иккинчи ярми, куз фаслларига томон уларнинг ер юзасига янада кўтарилиши туфайли кузги сабзининг сугориш меъёрларини нисбатан камайтириш уларда нам етишмаслигини келтириб чиқармайди. Бу даврда сабзи илдизлари чуқур қатламларгача етиб борганлиги сабабли, капиллярлардан кўтарилаётган намлиқдан фойдалана олади. Бу даврда берилган ортиқча намлиқ сабзининг барглари ғовлаб кетиши, озиқанинг бехуда сарфланиши ва ҳаво хоссаларини ёмонлашиши, шунингдек, тупроқлар шўрланишга мойиллиги юқори бўлган шароитда шўрланиш даражаларини ортишига олиб келишини эътиборга олиб уларни қатор ораларини культивациялаш ва намланишни чеклаш яхши самара беради.

### Адабиётлар

1. Азимов Б.Ж.,Бўриев Ҳ.Ч., Азимов Б.Б. Сабзовот экинлар биологияси.-Т.: ЎзМЕДИН.,-2002. 219 б.
2. Балашев Н.Н., Земан Г.О. Сабзвотчилик.-Ўқитувчи.- 1977й. 419 б.
3. Бўриев Ҳ.Ч. Сабзовот экинлари селекция ва уруғчилиги. Т.: 1999. 328 б
4. Бўриев Ҳ.Ч., Абдуллаев А.Г. Томорқа сабзвотчилиги. Т.: 1994 й. 176 б.
5. Исақов В.Ю., Мирзаев У.Б. Марказий Фарғонада шаклланган арзиқли тупроқларнинг хоссалари ва уларнинг инсон омили таъсирида ўзгариши. – Тошкент.: - Фан. 2009 й. 227 б.
6. Камилов О.К., Исаков В.Ю. Генезис и свойства окарбоначенно-загипсованных почв Центральной Фергани. - Ташкент.: Фан. 1992. 136 б.

7. Мақсудов А. Почви Централной Фергани и их изменения в связи с орошением. – Ташкент: Фан, 1979. 120 б.
8. Методи агрехимических анализов почв и растений. –СоюзНИХИ. Ташкент: 1977.
9. Мирзаев У.Б., Умаркулова Б.Н. Влияние антропогенного фактора на эволюцию орошаемых арзык-шоховых почв. – Научное обозрение. Биологические науки. М. 2020. №2. Ст.5-10.
10. Остонақулов Т.Э. Сабзавотлар етишириш технологияси. Т.: «Шарқ», 2003 й.
11. Турдалиев А. Суғориладиган ўтлоқи саз тупроқларда тузлар генезиси ва миграцияси. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг маъruzалари. Тошкент. 2014. № 4. 88-90 б.
12. 15. Турдалиев А. Т., Юлдашев Г. Геохимия педолитных почв. Монография. - Т. – 2015. С. 200.
13. Холдаров Д.М. Марказий Фарғонанинг шўрланган ўтлоқи саз тупроқлари ва шўрхоклари геокимёси: б.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. Тошкент.: 2006. 12-18 б.